БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
26 май
Шанба
№ 99. (13.535).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Жумҳурият янгиликлари

САМАРҚАНД вилоят Пахтачи ноҳиясидаги Кештили қишлоғида очилган катта савдо маркази харидорларга хизмат қила бошлади. Унинг кенг биносида саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель сотиб олиш мумкин. Савдо комплекси ёнида чойхона ва новвойхона жойлашди. Савдо марказини «Узкоопстроймонтаж» трестининг Каттақўрғон механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари бунёд этдилар.

ҚЎҚОН бинокорлик материаллари заводининг пландан ташқари тайёрланган маҳсулотидан ўттизта уй қуриш мумкин. Бу ерда ғишт ва керамзит блокларга бўлган катта талабни ҳисобга олиб, реконструкция ўтказилди. Корхона қувватини учдан бир баравар ошириш имконияти пайдо бўлди. Завод меҳнаткашлари йил бошидан буён савдо тармоғига олти юз мингтадан зиёд ғишт етказиб бердилар. Улар пландан ташқари эллик минг сўмлик даромад қилдилар. Бу маблағ янги ускуналар сотиб олишга, коллективнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун сарфланади.

ОЛМАЛИҚ геология-қидирув экспедицияси номига Ватанимиз пойтахтидан хабар келди. Унда СССР Геология вазирлиги президиумининг қарорига кўра мастер В. Гофманнинг бурғилаш бригадаси 1989 йилдаги социалистик мусобақада ғолиб деб топилганлиги айтилган. Бу коллектив ўта мураккаб тупроқли участкаларда ишлаб, план топшириқларини анча ошириб бажарди, анчагина ёнилғи ва бурғилаш қурилмасининг эҳтиёт қисмларини тежаб қолди. Ишчилар ўз иш суръатларини бу йил ҳам сусайтирмаяптилар. Ҳозир бригада июль ойи графиги бўйича ишламоқда.

(ЎзТАГ).



МАКТАБЛАРДА СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Эшитяпсизми, сўнгги қўнғироқ чалинаяпти! Юракларнинг бир ёнида оламча севинч, бир ёнида эса оламча ўкинч.

Мустақил ҳаёт томон илк қадам ташланяпти. Унинг илк ҳислари бирам ширин, бирам тотлики, тасаввур этолмайсиз.

Ўн йил давомида жонажон маскан бўлиб қолган азиз даргоҳдан айрилиш эса жуда оғир, жуда!

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактабда сўнгги қўнғироқ байрами ўзгача тусда нишонланди... Битирувчи синф ўқувчилари устозларига самимий дил сўзларини изҳор этишди. Мактаб педагоглар жамоаси эса уларга оқ йўл тилашди.

Эшитяпсизми, сўнгги қўнғироқ чалиняпти...

Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратлари.



Иқтисодиёт: боши берк кўчадан чиқишнинг йўли борми?

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР.

24 май куни СССР Олий Шўросининг Раиси А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Шўроси палаталарининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлис СССР Вазирлар Кенгаши Раиси Н. И. Рижковнинг «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат доклади билан бошланди.

Бугунги кун тартибига докладни муҳокама қилиш ҳам киритилган.

Мажлисда СССР Президенти М. С. Горбачев иштирок этди.

Докладдан сўнг Н. И. Рижков депутатлар ёзма равишда берган саволларга бир соат мобайнида жавоб қайтарди. Нутқ матни депутатларга аввалдан тарқатилган бўлиб, улар унинг муҳокамасига яхши тайёргарлик кўриб олишлари мумкин эди.

Саволларда шу қадар муҳим қадам арафасида жамиятимиздаги барча қизиқишлар ва ташвишлар мажмуи ўз ифодасини топди. Саволлар муҳим муаммоларнинг ҳаммаси ҳам докладда етарлича акс этмаганлигини кўрсатди. Гап нима учун ҳукумат ҳар қалай бундай қадамни ташлашга журъат этганлиги, янги шароитда марказнинг роли, бошқарувнинг зарур структураси, меҳнат бозори ва, албатта, одамларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши хусусида борди.

Раислик қилувчи мунозараларда сўзга чиқиш учун 67 киши ёзилганлигини айтди. Вақтнинг камлигини ҳисобга олиб, жумҳуриятлар, комиссиялар ва қўмиталар депутатлар гуруҳлари сўзга чиқиш учун ўзларидан вакиллар ажратдилар.

План ва бюджет-молия комиссиясининг раиси В. Г. Кучеренко ҳукуматнинг хатти-ҳаракатларини оқлаш тобора қийинлашиб бораётганлигини таъкидлади. Ишлаб чиқариш пасаяётган, иқтисодиётга раҳбарлик қилиш услуби буни тўхтата олмаётган бир вақтда бозорнинг ўзи жамиятимизни тараққиёт сари олиб боришига умид қилиб бўлмайди. Бундай йўл тутиш «ғазаб туғёнини авж олдириш» бўлур эди. Нотиқ бозор иқтисодиётига ўтиш воситаси хусусида конкрет таклифлар киритди. Улар асосан қуйидагича: давлат сектори корхоналарининг барча имтиёзларини бекор қилиш, бошқариладиган ривожланиш фондига ажратиладиган маблағларнинг мақсадлари, ҳажмлари ва тартиби тўғрисида яна бир марта чуқур ўйлаб кўриш зарур, миллий даромаддан фойдаланишнинг шундай воситасини яратиш керакки, токи мамлакат ўз келажагини еб қўймасин.

Олий Шўронинг ўзига ҳам тилак билдирилди. Токи жамиятимиз мураккаб муаммоларни ҳал этиши керак экан, шу залда ўрнашиб қолган исрофгарчилик руҳи ўрнини ақл билан ва ҳар томонлама ўйлаб иш қилиш эгаллаши лозим. Жамият мулкини қандай тақсимлаш ҳақида эмас, ишлаб чиқаришни қандай кўпайтириш тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак.

Принципиал саволга жавоб бериш вақти келди. Кўриб чиқиш учун нима таклиф этилган — ҳукуматнинг айрим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган илгариги программасими ёки тамомила янги иқтисодий концепциями? Шу саволни ўртага қўйган иқтисодий ислоҳот масалалари қўмитасининг раиси В. М. Вологжиннинг фикрича, ҳукумат таклифлари — бу, мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш йўлларини излаш юзасидан илгари бошланган ишнинг давомидир. Ҳозир олдинги уринишлар нима учун муваффақиятсизликка учраганлигини аниқлаш лозим. Нотиқ кейинги вақтларда Олий Шўро қабул қилган яхши қонунларга ишониб, улар амал қилишининг пухта воситасини ишлаб чиқишни унутиб қўйганлигимизни ҳам уқтирди.

Кичик корхоналарнинг кенг тармоғини яратиш даркор. Уларнинг мослашувчанлиги, бозор талабига қараб иш юритиши янгиланган иқтисодиётнинг асоси бўлади. Акционерлик жамиятларини тузишга катта эътибор бериш зарур. Қўмита раиси ҳукумат бу гал бошқариладиган бозор системасига ўтишнинг реалроқ программасини тақдим этганлигини айтиб, соҳибкорликнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Муаммони ҳар томонлама ўрганиб, деди меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Гриценко, биз мутахассисларга, олимларга мурожаат қилдик, бир қанча социологик тадқиқотлар материалларидан фойдаландик. Тадқиқотлардан бири фикри сўралганларнинг ярмидан кўпроғи иқтисодиётни бозор йўли билан ривожлантириш тарафдорлари эканини кўрсатди. Шу билан бирга фикри сўралганларнинг учдан икки қисми янги шаклларга босқичма-босқич ўтишни ёқлади ва атиги учдан бир қисми туб чораларни дарҳол амалга ошириш лозим, деган фикрни билдирди.

Комиссия раиси комиссия номидан гапириб, чамаси бошқариладиган бозорга ўтишдан ўзга йўлимиз йўқ, деб таъкидлади. Лекин одамларга уларнинг ҳар бирини нима кутаётганлигини батафсилроқ тушунтириб бериш зарур. Масалан, нарх белгилашнинг янги принципларини чуқур таҳлил қилиш керак. Индекциялаш воситалари ва манбаларини, етадиган зарар ўрнини қоплаш миқдорини тушунтириб бериш ҳам жуда зарур. Халқ барча ҳисоб-китобларни билиши, бу ҳисоб-китоблар эса ўз навбатида яшаш учун зарур бўлган энг кам иш ҳақининг аниқ белгиланишига асосланиши лозим.

Бу фикрни кўпчилик нотиқлар ривожлантиради, лекин ВЦСПС раиси Г. И. Янаев уни айниқса аниқ ифодалаб берди. Унинг фикрича, ҳукумат докладида янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш зарурлиги оқилона изоҳлаб берилган. Лекин бундан ташқари ижтимоий психология, бозордан, капитализмдан чўчиш, социал кафолатлардан маҳрум бўлишдан қўрқиш каби тушунчалар ҳам бор. Шунинг учун одамлар янги иқтисодий муносабатларга ўтишнинг оқибатлари тўғрисидаги бутун ҳақиқатни билишлари лозим. Фақат бозорнинг қаттиқ, ҳатто шафқатсиз реалликлари тўғрисида бор гапни айтиб ва референдум ўтказиб, халқ буни онгли равишда қўллаб-қувватлаганидан кейингина ҳаракат қила бошлаш мумкин.

Аввал хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтиб, кейин муайян ижтимоий кафолатлар яратиш эмас, балки аксинча иш тутиш кераклиги тўғрисида бир неча бор айтилди. Хусусан, Олий Шўронинг кузги сессиясидаёқ иш билан таъминланиш тўғрисида қонун қабул қилиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Ҳукумат меҳнат қила оладиган ва ишлашни истайдиганларнинг барчасини иш жойлари билан таъминлашга мажбур. Муаммо яна шунинг учун ҳам ўткирки, айрим тахминларга қараганда, мамлакатда ишсизлар сони 12—15 миллион кишига етиши мумкин.

Дарвоқе, нарх-навонинг кутилаётган ўсиши муносабати билан таклиф этилаётган зарарнинг ўрнини қоплаш сиёсати «нон ғалаёнлари» кўтарилишига сабаб бўлмаслиги керак. Таъкидландики, агар нарх-наво 200 миллиард сўм миқдорида оширилса, зарарнинг ўрнини қоплаш атиги 135 миллиард сўмни ташкил қилади. Шундай бўлса, ҳукумат бюджет танқислигини халқ ҳисобидан ҳал қилмоқчи эмасмикан?

Таклиф этилаётган концепция бутунлай яроқсиз деган гаплар ҳам айтилди. Бу — навбатдаги хомхаёл маҳсулидир, дейилди, чунки мафкура ҳануз иқтисодиётга ўз оғирлигини ташлаб ётибди, нарх-навони оширишдан ўзга эса ҳеч қандай конкрет тадбирлар кўрилмаяпти. Ҳатто ҳукуматга ишонч билдириш ёки билдирмаслик тўғрисидаги масалани овозга қўйиш таклиф этилди.

Бунга қарама-қарши фикр ҳам билдирилди: ҳукуматдан талаб қилиш керак, албатта, лекин у ишлай бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ, бунинг устига янги, мураккаб шароитда ишлаяпти. Бу ўринда мардлик оппозицияда бўлиш эмас, балки одатдан ташқари, лекин ҳозирги вазиятда зарур бўлган чора-тадбирлар кўришда масъулиятга шерик бўлишдир.

Бугун ҳеч ким принципиал жиҳатдан бозорга қарши гапирмади, бироқ бозор сари бориш суръатлари ва усуллари тўғрисидаги масала хусусида мунозара бўлди. Давлат мулки қилиб асосий фондлар қийматининг атиги 40 фоизини, шу жумладан зарар кўриб ишлаётган барча тармоқларни қолдириш таклиф этилаётгани депутатлардан бирида ишончсизлик уйғотди. Бозорнинг иқтисодий омилларини жумҳуриятлар ихтиёрига бериш таклиф қилинди. Бу, хусусан, ниҳоят бутун аҳолини ва аввало унинг камбағал қатламларини энг зарур моллар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Кечга бориб сўзга чиқишни истовчилар рўйхатига яна ўнтача фамилия қўшилди. Мунозаралар эндигина қизий бошлади. Мунозара 25 май куни давом этди.

Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ,
Б. ГРИЩЕНКО,
Л. ЕРМАКОВА.

Шу сонга хабар

Жаримани ким тўлайди?

Тошкент Давлат циркининг номи фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам яхши таниш. Шу боисдан ҳам бу меҳнатсевар жамоани кўпгина мамлакатлар ўзларига таклиф этишаётир.

Яқинда коллективнинг бир гуруҳ ижодий ходимлари Иордания ва Қувайтда бўлиб қайтишди. 3,5 ойлик сафар мобайнида жамоанинг ажойиб чиқишларини салкам 200 минг аҳоли кўпдан-кўп олқишлар билан кутиб олишди.

Айниқса, жамоанинг миллий программадаги чиқишлари хорижликлар қалбида чуқур таассурот қолдирди. Шу боисдан ҳам Қувайт ва Иордания фирмалари Тошкент цирки билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишди.

— Ҳамкорлик қилишга келишиб олдигу, лекин юрагимиз зириллагани-зириллаган, — дейди Тошкент Давлат цирки директори Баҳром Мажидов. — Гап шундаки, йил бошида Италиянинг «Голдингстар» фирмаси вакиллари жамоамизда бўлиб, бизнинг чиқишларимизни ёқтириб қолишган ва ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олгандик. 15-майда 30 кишилик ижодий гуруҳимиз Италияга жўнаши керак эди. Кенг программада чиқишлар тайёрладик. Бизнинг бу сафаримизга Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ва жумҳурият театр арбоблари жамияти ҳам рухсат берди.

Хорижга отланишимиздан 75 кун аввал жумҳурият Ташқи ишлар вазирлигига керакли ҳужжатларини топширдик. Лекин буйруқбозлик, қоғозбозлик оқибатида сафаримиз чўзилиб кетди. Ҳали ҳам керакли ҳужжатлар беришмади. Шунингдек, Қувайтда тузган шартномамизга кўра 25 кишидан иборат ижодий гуруҳимиз 17-майда у ерда бўлиши керак эди. Лекин яна Ташқи ишлар вазирлигининг айби билан сафаримиз 24 майга қолдирилди! Яқинда маълум бўлишича бу муддат ҳам бекор қилинибди. У ердагилар гастролни 1-июндан кейинга қолдиришибди.

Ахир бу нима деган гап! Турғунлик йилларида ҳам хорижга гастролга чиқиш бу қадар қийин эмас эди. Шартномани бузиш қанчага тушишини Ташқи ишлар вазирлигидаги ўртоқлар билишармикан! Агар шартномани ҳамкорлик қилган томонларнинг бири бузса, халқаро судга топширилиб, юз минг доллар жарима тўланади-ку. Хўш, бу жаримани ким тўлайди! Ташқи ишлар вазирлигидаги ўртоқларми ёки бизми! Жамоамизнинг бунчалик маблағни тўлашга қурби етмайди. Ўз-ўзидан маълумки, бу маблағни тўлаш шундоқ ҳам иқтисодий қолоқликка юз тутган жумҳуриятимиз зиммасига тушади.

Директорнинг куйинганича бор. Шу кунларда Тошкент Давлат цирки билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни истаб Греция, Туркия, Австрия, Болгария каби хорижий давлатлардан таклифлар тушаётир. Жамоанинг боши қотиб қолган. Уларга нима деб жавоб беришни билмайди. Ҳа, деса оғзи, йўқ деса юзи куяди. Ахир ҳамкорликка келишиб олсаю ваъдани бажармаса, жаримани ким тўлайди!

Миллионер ҳайдовчилар

Манноп Юнусов, Ғиёс Тоиров. Уларни Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасида миллионер ҳайдовчилар дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Мана қарийб 32 йилдирки, Маннop ака троллейбус рулини бошқаради. Ғиёс Тоировнинг иш фаолиятига эса роппа-роса 30 йил бўлди.

Ўз касбининг моҳир усталари бўлган ҳар икки ҳайдовчи 14-маршрутда ишлашади. Эҳ-ҳе, улар қанчадан қанча одамларнинг узоғини яқин қилишмади, дейсиз. Манноп ака билан Ғиёс ака шу кунгача ўз троллейбусларида миллион километрдан ортиқроқ масофани босиб ўтиб, йўловчиларни манзилларига эсон-омон етказиб қўйишди.

Уларнинг шу йиллар мобайнида бирор маротаба ҳам сабабсиз ишга келмаган куни ёки меҳнат интизомини бузган ҳоллари қайд этилмаган. Яна шуниси ажабланарлики, бу камтар ва камсуқум ҳайдовчилар бирорта ҳам ҳукумат мукофотига сазовор бўлишмаган.

«Шу сонга хабар» материалларини махсус мухбиримиз Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ тайёрлаган.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш Комиссиясида

22 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш Комиссияси Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Бюро Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилди. Назорат комиссияларини тузиш принциплари, комиссия иш режасининг бажарилиши бориши тўғрисидаги ва бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Жумҳурият комсомоли XXIV съездига комиссия ҳисобот маърузаси ва жумҳурият комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисида Низом лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан ишчи гуруҳлари тузилди. Ноҳия, шаҳар, вилоят ва жумҳурият комсомол ташкилотларининг тафтиш комиссиялари таклифи бўйича ишлаб чиқилган назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомнинг биринчи варианти Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси VIII пленуми ўтказилгандан кейин матбуотда эълон қилинишига қарор қабул қилинди.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

ЕР БЕРИЛДИ

«Қайта қуришнинг мусаффо шамоли ҳамма жойда бир хил эсмоғи керак. Лекин афсуски бундай эмас, — деб ёзибди **Самарқанд вилоятининг Ургут ноҳиясидаги М. Горький номли жамоа хўжалигида яшовчи Неъмат ЙЎЛДОШЕВ.** — Учта оила, мен, отам ва укам болачақалар билан 4 сотих ерда яшаб келмоқдамиз. Отам Раҳмат Йўлдошев Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 31 йил жамоа хўжалигида ишлаб пенсияга чиққан. Лекин отамнинг ер сўраб ёзган аризалари ҳамон кимларнингдир столи тортмаларида чанг босиб ётибди. Сизлардан илтимосимиз оиламизга ер берилишида ёрдам берсаларингиз».

Редакция ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Самарқанд вилояти Ургут ноҳия халқ назорати қўмитасига** юборди.

Яқинда редакцияга **ноҳия халқ назорати қўмитасидан, қўмита инспектори У. САИДОВ** имзоси билан жавоб келди.

Раҳмат Йўлдошев хатида кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Р. Йўлдошевга 8 сотих, отасига 16 сотих, укасига 8 сотих бош план асосида ер участкаси ўлчаб берилди.

•

«Ошкоралик ва демократия туфайли деҳқонинг елкасига кун тегди. Президентнинг Фармони чиқди. Лекин қайта қуришнинг қуёши ҳамма ерда бир хил нур сочмаяпти, — деб ёзади **Фарғона ноҳиясидаги К. Маркс номли жамоа хўжалиги аъзоси Валижон УМАРОВ.** — Шу жумладан бизнинг жамоа хўжалигимизда ҳам деҳқонларга ер тақсимлашда камчиликлар бўляпти. 8 сотихдан ер берилмаяпти. Қолган 8 сотихини яшаш жойимиздан 15—20 километр узоқликдаги «Гагарин» участкасидан беряпти. От-уловимиз бўлмаса қандай қилиб ҳар куни узоқ ерга бориб деҳқончилик қиламиз».

Валижон Умаровнинг шикоятини текшириб, чора кўриш учун Фарғона ноҳияси ижроқўмига юборгандик. Яқинда **ноҳия ижроқўми раисининг биринчи муовини М. МАМАЖОНОВ** имзоси билан жавоб олдик.

«Фарғона ноҳия ижроия қўмитаси «Ёш ленинчи» рўзномасига ёрдам сўраб ёзган колхозчи Валижон Умаровнинг шикоятини текширди. Аризачининг талаби қондирилди ва унинг «Тушунтириш хати» илова қилинмоқда».

«Мен В. Умаров «Ёш ленинчи» рўзномасига ёрдам сўраб шикоят ёзган эдим. Менинг шикоятда ёзган талабларим тўлиқ қондирилди. Ўз ёрдамини аямаган редакциядан миннатдорман».

ВАТАН МЕҲРИ, СОҒИНЧИ...

Давримизнинг, мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш сиёсатининг энг катта ютуғи Инсон Эрки масаласи ижобий ҳал этилаётганлиги бўлса керак. Бу сиёсатнинг моддий неъматларини ҳали татиб кўрмаётган бўлсак-да, маънавий, руҳий, ҳуқуқий, сиёсий инъом-эҳсонларини бутун вужудимиз билан ҳис қилиб турибмиз. Эл-улуслар, қариндош-уруғлар шу туфайли тиканли симлар-у, бетон деворлар тоғ-тошлар, уммонлар оша бир-бирлари билан қовушмоқда, ҳар қайси миллат ўзлигини, тилини, дилини қайтадан кашф этмоқда.

Шу муносабат билан ўз-ўзидан анча жиддий муаммолар ҳам келиб чиқаяпти. Пухта ўйлаб кўрилса, уларни режали ҳал қилиш у қадар катта қийинчилик туғдирмайди. Энг муҳими, натижа ҳамма учун бараварига фойдали бўлади. Мен шу ўринда юзага келган ижобий вазият туфайли кўпгина миллатларнинг вакиллари миллий ўзлигини тўлиқ англаб етиб, ота-боболари юртига, қавм-қардошлари бағрига кўчиб кетаётганликлари билан боғлиқ масалаларни назарда тутяпман. Мисол учун битта миллат — қрим-татарлари тақдирини олиб кўрайлик. Бир вақтлар Сталин томонидан ватангадоликка маҳкум этилиб, асосий кўпчилиги Ўзбекистондан бошпана, меҳр-оқибат топган бу жафокаш халқнинг ҳам эзгу ниятлари ниҳоят рўёбга чиқаётган экан, бундан бутун дунё шод. Бечораларда она замин соғинчи, дудоқларида тош бўлиб қотган аччиқ алам ёшлари, қалбларини ўртаб ётган орзу-армонлар шу қадар кучли эканки, ҳатто ҳукуматимизнинг навбатма-навбат, тартибли кўчиришга доир тадбирлари уларни ортиқча бир кун ҳам ушлаб тура олмайдиганга ўхшайди. Бу, иккинчи томондан, фақат битта нарсада, яъни барча инсонлар миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида бетиним ваъзхонлик қилиб, аслида эса бунинг мутлақо аксини изчиллик, устамонлик билан амалга оширишдагина собит бўлиб келган сиёсатининг бугунги кун ҳавоси эмас. Бу — пировард натижа мантиқи бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда буни ёмон отлиқ миллат вакили тамғаси билан қарийб ярим аср ўз диёридан йироқда унга талпиниб яшаш қандай бўлишини тўлиқ тасаввур қилсакгина, тўғри тушуна оламиз. Бундай қисмат ҳеч бир халқ бошига тушмасин!

Мен бу масала билан қизиқиб шуни аниқ билдимки, ҳозир ҳеч нарса уларнинг она юрт висолига шошилишларига монелик қилолмайди. Ҳатто темир йўл контейнерларининг етишмаслиги, ойлаб тайёрга билет кутишлар, олдинда нима бўлишидан бехабарлик ва ҳоказо жиддий қийинчиликлар ҳам. Уларнинг кўпчилиги моддий етишмовчиликка қарамасдан бу ердаги уйларини сотишга улгурмасданоқ ўз йўлларини билан бутун мамлакатни айланиб бўлса-да, ўша томон интилмоқдалар. Натижада талайгина мураккабликлар ҳосил бўляпти: мазкур миллатга мансуб оилалар аксариятининг деярли барча меҳнатга яроқли аъзолари аллақачон ишларидан бўшаб, Қримда жойлашиб олиш ниятида жўнаб кетган бўлсалар, уларнинг бола-чақалари, қариялари эса не қийинчиликлар билан тиклаган уйларини сотишга умид боғлаб Ўзбекистонда қолиб кетишган. Улар бундай ҳаловатсизлик қачон поёнига етишини билолмай қийналмоқдалар. Корхоналарда иш жойлари бўшаб қолиб, анча моддий зарар кўриляпти.

Назаримда, жумҳуриятимиз раҳбарияти юзага келган бундай аҳволга жиддий эътибор бериб, ҳар томонлама мақбул йўл тутиши, воқеаларнинг шиддатли оқимига бир қадар режали йўналиш бағишлаши мумкин. Масалан, уй-жой маъносида ҳам, иш жойи маъносида ҳам кўчиб кетаётганлар ўрнини муносиб кишилар эгаллашидан бутун жамиятимиз манфаатдордир. Бас, шундай экан, жумҳуриятимиз ҳукумати, маҳаллий Шўролар мазкур масалада вазиятни ўз қўлларига олишлари айни муддао бўларди. Албатта, хусусий уйларнинг олди-соттиси кишиларнинг шахсий иши. Лекин ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатини кўзлаб давлат бу муносабатларда асосий харидорлардан бири сифатида қатнаша олади. Шунинг учун ҳам уй-жойлар қуриш ҳаракатномасига ажратилган маблағ ҳисобидан ўзаро келишилган нархларда ўша бўшаётган уйлар сотиб олинса тўғри бўларди, деб ўйлайман. Айни бир пайтда уларга аҳоли ҳаддан ташқари тиғизлиги сабабли ижтимоий-иқтисодий аҳвол анча танг бўлган музофотларимиздан униб-ўсаман, деган ватанпарвар, фидойи кишиларни, айниқса ёшларни, ёш оилаларни кўчириб олиб келишга қаратилган ишларни олиб бориш керак. Бунга бевосита йирик корхоналарнинг ўзлари ҳам бош қўшишлари зарур. Улар «олма пиш, оғзимга туш» деб қараб ўтирмасдан, жойларга вакиллар юбориш ёрдамида ўзларига маъқул кишиларни жонажон жамоаларига таклиф қилиб, сотиб олган уйларига узоқ муддатли қарз ҳисобига жойлаштиришлари мумкин. Чунки барибир ишчиларга уй-жой қуриб беришга тўғри келади-ку ахир.

Бу билан биз бир йўла бир қанча масалани оқилона, адолатли ҳал қилган бўлардик. Биринчидан, Улуғ Ватан уруши давридан бери қувонч-ташвишларини биз билан баҳам кўриб, ҳалол меҳнати билан жумҳуриятимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётган қрим-татар миллатининг сал бўлса-да оғирини енгиллаштирган, шодлигини янада оширган бўламиз. Боз устига қурилишнинг бундай қимматлашиб бориши шароитида улар қолдириб кетаётган данғиллама уйларга ўхшаган иморатларни бино қилиш учун эндиликда бир неча баравар кўп маблағ ва инсонларнинг бутун умри бахшида бўлиши аниқ. Иккинчидан, мазкур масала ечимини маҳаллий ҳокимият ўз зиммасига олиши билан айрим пулдорларнинг қўша-қўша уйларга эга бўлишларининг, юртимизга, маҳалла-кўйларимизга аллақаерлардан келган ва насли-насаби бизга номаълум бўлган кимсалар жойлашиб олиб, сирли машғулотлар билан шуғулланишларининг, ҳозиргача айни шундай, олди олинарди.

Энг муҳими — бу четдан «малакали», «тайёр» мутахассислар, ишчилар таклиф қилаверишдек оғир хасталикдан қутилиб, ўзбек халқининг қалб кўри, шуури, ғайрат-шижоати фақат кетмон ушлашга эмас, балки мураккаб дастгоҳли замонавий саноат корхоналарига жон киритишга ҳам қодир эканлигини исбот қилишига яхшигина моддий, ижтимоий негиз бўла олади. Малака осмондан тушмайди, барча йўлларини қилиб, ҳатто хорижий мамлакатлар ёрдамида уни ҳосил қила бориш керак. Жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллик йўлини, Иттифоқ ва жаҳон бозорига фақат хом ашё чиқаришдан юқори сифатли тайёр маҳсулотларни жиддий рақобатга ташлаш сари интилишни кўзлаётган бир пайтда бу тўғрида астойдил бош қотирмаслик асло мумкин эмас.

Ишончим комилки, Фарғона водийси ёки бошқа жойларда куч-ғайратини қаерга қўйишни билмай ишсиз юрган қобилиятли, қунт қилса, ҳар қандай тилсимотли касбни ҳам тезда бемалол эгаллаб ола биладиган ёшларимиз бир довон оша ёки салгина йўл босиб, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда бўшаб қолаётган уйларда давлат ёрдами билан макон тутиб, меҳнат қилишга жон деб рози бўладилар. Ана шундай ғамхўрлик кўрган маҳаллий миллат вакили ўзига қучоқ очган меҳнат жамоаси, масканга ҳам садоқати бошқача бўлса керак, деб ўйлайман.

Масаланинг муҳим маънавий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Юртимиз қанчалаб миллатлар, жумладан, қрим-татарларининг бир неча авлоди учун киндик қони томган макон бўлиб қолди. Вақти келиб, ҳар ким ўз иссиқ жойини топиб кетгач, уларда ёшлиги ўтган тупроқни тавоф қилиш иштиёқи туғилиши табиий. Шунда ўз қўллари билан обод қилган кўча ва қишлоқлар, барпо қилган иморатлар қандай одамларга насиб қилганлигини кўриб юраклари, албатта, бир орзиқиб тушади. Кўплар ҳозир ҳам шу ҳақда ўйлашади. Чунки мол-мулкининг яхшиликка буюриши — инсон учун катта бахт.

Қолаверса, давлат ёки корхона кўчаётганлардан сотиб олган уйларни навбатда турганларга ёки шароитни яхшилаш ниятида юрган яхши ходимларга мукофот тариқасида бериши ҳам мумкин-ку. Борди-ю, уй битта оилага беришга кўз қиймайдиган даражада ҳашаматли, дабдабали, баҳоси ҳам шунга яраша бўлса, уни ҳам шароитларига қараб ижтимоий, маданий-маиший ва айниқса, тарбия муассасалари учун сотиб олавериш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ердаги аҳоли ... ҳам бундан фойда га аён. Уни янги биолар қуриб ўнглаб олгунимизга қадар кўплаб сувлар оқиб, қанчалаб маблағлар сув бўлиб кетади. Бундан ташқари ёшларга ҳақиқий инсоний тарбия беришда оилага хос болалар уйлари, мўъжазгина болалар боғчалари беқиёс афзал эканлигини тажриба, фан аллақачон исботлаб берган.

Қисқаси, ҳозир юзага келган нуфусий ўзгаришлардан жумҳуриятимизда йиғилиб қолган ўткир муаммоларни ҳал этишда оқилона, самарали ва тез фойдаланиш, миллий онги, ҳис-туйғулари тўлиқ уйғониб, Ўзбекистон тупроғидан насибаси кўтарилаётганлар ҳам, шу заминни шифолаб, яшаш ... мероси тақдирга бўлган авлодлар ҳожатини ҳам саргардон сон-сарғардонликсиз чиқариш зарур. Узоқ давр биз билан биргаликда туз тотишиб, эндиликда ўз ниятлар билан йўлга чиққан дўстларимизни қўлимиздан келганича ёрдам кўрсатиб, кузатиб қўйиш ва бунинг натижасида вужудга келадиган шароитдан жумҳуриятимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-миллий вазиятни, аҳволни соғломлаштириш йўлида пухта ўйлаб фойдаланиш бизнинг долзарб вазифамиз, фуқаролик бурчимиздир.

Шариф ХОЛМУРОДОВ.

СИНОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкентда жумҳурият олий ўқув юртлари ўртасида «Талаба ва фан-техника тараққиёти» олимпиадасининг иккинчи босқичи якунланди. Мухбиримиз Ф. Неъмат СамДУ ЕФТИ бўлимининг мудири, дорилфунун олимпиада гуруҳининг раҳбари, филология фанлари номзоди Мардон Сулаймонов билан суҳбатлашди.

— Мардон ака, бўлиб ўтган олимпиада ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Ҳар йилгидек март ойларида жумҳурият олий ўқув юртларида унинг биринчи босқичи ўтказилди. Ғолиблар иккинчи турда Самарқанд, Наманган, Тошкент шаҳарларида 59 фанга бўлиниб куч синашди. Мана беллашув натижалари ҳам аниқланди. Ўзбек, тожик тили ва адабиёти, чет тиллар, амалий риёзиёт бўйича самарқандлик, физика-риёзиёт, ҳуқуқшунослик, рус тили бўйича Тошкент Давлат дорилфунуни талабалари устунлик қилишди. Умуман, олимпиадада кўплаб ўқув юртлари қатнашган бўлсаларда, бу асосан дорилфунунлар беллашувига айланди, десак хато бўлмайди.

— Бу командалар ҳисобидаги биринчиликми ёки якка ҳисобдагими?

— Ғолиблар команда ҳисобида ҳам, якка ҳисобда ҳам аниқланди. Масалан, В. Улько, А. Бровко, В. Шарифулина, В. Ципенюк, Т. Мартиросова, Б. Исмоилов сингари талабалар якка ҳисобда ютиб чиқишди. Улар Бутуниттифоқ олимпиадаларида қатнашиб, жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

— Беллашув савияси, унинг ўтказилиш даражасини қандай баҳолайсиз?

— Талабаларнинг билимига талаб юқори бўлди. Бироқ ташкилий жиҳатдан камчилик кўп. Халқ таълими вазирлигининг буйруғида кўрсатилишича ётоқхона учун 1 сўм ажратилиши керак эди. Бироқ биз кунига 2 сўм 60 тийиндан сарфладик. Яна шу буйруққа асосан ғолиблар пул ютуқлари, қимматбаҳо совғалар, имтиёзли саёҳат йўлланмалари билан мукофотланишлари керак эди. Амалда китоб ва фахрий ёрлиқлар билан чекланилди, холос.

Ҳозир эса асосий беллашув — Бутуниттифоқ олимпиадаларини кутяпмиз. У бўлажак мутахассисларимиз билимини Иттифоқнинг бошқа ўқув юртлари вакиллари савияси билан солиштириш имконини беради.

Хорижда хабарлар



Ҳозирги кунда дунё бўйича 100 миллионга яқин бола бошпанасиз, ўғри, садақа сўраб кун кечирар экан. Даҳшатли рақамлар. Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда яна уттиз йилдан сўнг бу рақам икки бараварга ошиши кутилмоқда...

Сиз кўриб турган суратдаги Коста Риканинг Сан-Хосе шаҳрида яшовчи 8 ёшли Лауреннинг «иш куни» ҳар куни шундай кечади. У кун бўйи светофор чироғи ёнида туриб рўзнома сотади.

(ТАСС суратлавҳаси).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

САН — ФРАНЦИСКО. АҚШ ҳукумати ва Марказий Разведка Бошқармаси 1965 йилда Индонезия Коммунистик партияси аъзоларини оммавий равишда қириб ташлашга тайёргарликда фаол иштирок этганлар. АҚШнинг Жакартадаги элчихонаси сиёсий бўлимининг собиқ ходими Роберт Мартенс, унинг ўша вақтдаги бошлиғи Эдвард Мастерс ва ўша вақтда Марказий Разведка Бошқармаси резидентураси бошлиғи ўринбосари лавозимини эгаллаб турган Жозеф Лазарский Америка журналистларига бу ҳақдаги маълумотларни биринчи бор тақдим этдилар.

Уларнинг гапларига қараганда, Америка разведкаси жосуслари ва АҚШ элчихонаси сиёсий бўлими ходимлари йўқ қилиб юборилиши лозим бўлган Индонезия коммунистларининг муфассал рўйхатини мунтазам тузганлар ва уларни Индонезиянинг юқори лавозимли ҳарбийларига топширганлар. Рўйхатда Компартиянинг марказдаги ва жойлардаги «энг хавфли» фаоллари ва раҳбарларидан 5 мингдан ортиқ кишининг номи бор эди. Мартенснинг тан олишича, у икки йил давомида ана шундай «тайёргарлик иши» билан шуғулланган давлат департаменти ва МРБ элчилар гуруҳига бошчилик қилган. «Бу Индонезия армиясига катта мадад бўлди, — деди у. — Ҳарбийлар кўп одамларни ўлдирдилар, эҳтимол менинг қўлим ҳам уларнинг қони билан булғангандир».

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ суд маъмурлари Панаманинг собиқ раҳбари Мануэль Норьега оқловчилари учун ҳақ тўлаш харажатларини ўз зиммаларига олишга рози бўлдилар. Мануэль Норьега Америка маъмурлари томонидан шу йил январь ойида Панамага қуролли бостириб кириш чоғида ушланган бўлиб, гиёвандлик моддалар билан савдо қилишда айбланиб, ҳозир Флорида штатининг Майами шаҳри яқинидаги қаттиқ режимли қамоқда суд қилинишини кутмоқда.

Федерал прокурор Декстер Лехтинен лавозимидан туширилган Панама раҳбари оқловчиларига ҳақ тўлашга розилик берилганини айбланувчи устидан «адолатли суд»ни таъминлаш зарурлиги билан асослади.

ПРАГА. Фаластин қўзғолони давом этаётган 29 ой давомида босиб олинган Араб худудларида зўравонликнинг янги хуружи энг фожиали оқибатлар келтирди, дейилади ЧСФР ташқи ишлар вазирлиги вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Бейкер режалари ёки бошқа ташаббуслар деб аталган режалар асосида фаластинликлар билан музокара олиб боришдан бош тортаётган Исроил ҳукуматининг позицияси бутун Яқин Шарқда кескинликни келтириб чиқармоқда. Босиб олинган худудларда юз берган вазият муносабати билан ЧСФР Ташқи ишлар вазирлиги чуқур ташвиш билдиради ва зўравонлик Фаластин масаласини ҳал қилишга олиб бормайди, деган фикрни яна бир бор такрорлайди.

ПАНАМА. АҚШнинг Панамага тажовузи чоғида ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари қўмитаси Америка қўшинлари жумҳуриятга бостириб кирган 20 декабрь кунини миллий мотам куни деб эълон қилишни талаб қилди. Панама пойтахтида бўлиб ўтган митинг чоғида комитет Президенти Изабель Корро айтдики, умуммиллий мотам кунини белгилаш ҳалок бўлганларга нисбатан адолатни тиклаш бўлур эди. Бундан ташқари, деди у, «ҳукумат Америка ўқлари ва снарядларидан ҳалок бўлган фуқаро шахсларни ҳам, ҳарбийларни ҳам қаҳрамон деб эътироф этиши, шунингдек қурбонлар сонини пухта текшириши лозим.

ТРИПОЛИ. Ливия жамаҳирияси ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик халқ бюросининг вакили Американинг «Вашингтон таймс» рўзномасининг Рабтдаги завод кимёвий қуроллар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда, деган хабарини рад этди. ЖАНА агентлигига берилган баёнотда ташқи сиёсат маҳкамасининг вакили СНЛДД рўзнома хабари бутунлай асоссиз эканини таъкидлади. Шу йилнинг март ойида ёнғин чиққан Рабтдаги завод Қўшма Штатлар маъмурияти айтаётган қуролларни эмас, балки дори-дармонларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ливия жамаҳирияси, дейилади баёнотда, Яқин Шарқ регионини химиявий қуролдан ҳоли қилиш ва бутун дунёда кимёвий қурол запасларини йўқ қилиб ташлашга даъват этди ва бу даъватни яна такрорлашга ҳожат йўқ деб ҳисоблайди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҒАРОЙИБ СЕВГИ ИЗҲОРИ

ГОНКОНГ шаҳрида истиқомат қилувчи Вей-Вей исмли хитойлик бир йигит ўз маҳбубасига антиқа усулда севги изҳор этди. Хитой тилида нашр этилувчи «Экспресс» рўзномасининг бир саҳифасида катта ҳарфлар билан қуйидаги мазмунда муҳаббат мактубини эълон қилди: «Севимли Ман-Ман, менга турмушга чиқ! Сенинг Вей-Вейинг. 13 май. 1990 йил». Сўнгги сўзлар қизил бўёқда ёзилганди.

ПАРТАЛАРНИ ҚАНДАЙ ЖОЙЛАШТИРГАН ЯХШИ

СИНФДА парталар жойлашишининг дарсларни ўзлаштиришга таъсири борми? Калифорния дорилфунуни мутахассислари шу саволга жавоб топдилар: агарда парталарни одатдан ташқари жойлаштиришдан воз кечиб, уларни ўқитувчи атрофида ярим айлана шаклида ўрнатилса, ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб, фанларни яхши ўзлаштирар эканлар.

САЁҲАТЧИЛАР ҚЎРИҚЧИСИ

«НАМУНЧА титрабқақшамасанг? Чўнтагини бир марта «тозаласам» камбағал бўлиб қолармиди? Сен ҳали кўрадиганингни кўрасан!», — Мадагаскарга келувчи сайёҳларга сафарбегилик қилувчилар маҳаллий ўғрилардан тез-тез юқоридаги ҳақоратомуз сўзларни эшитиб туришади. Мамлакатга хориждан келувчи саёҳатчилар йилдан-йилга кўпаймоқда, шу билан бирга уларнинг «кетига тушувчи» ўғрилар сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Аҳвол шундай бўлгач, бир қанча саёҳат фирмалари, ёш, бақувват, каратэ усулларини яхши ўрганиб олган бақувват йигитларни доимий ишга қабул қилишаётир. Қўл жанги усталари мамлакат пойтахтига келган бадавлат саёҳатчиларни «чўнтаккесарлардан» ҳимоя этишади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ўзингни эҳтиёт қил...

— Роман Александрович, хонадонларни тунаш, фуқаролар мулкини ўғирлаш каби жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш учун қандай ишларни олиб боряпсизлар!

— Аввало соқчилик хизмати ҳақида икки оғиз сўз. Ўтган 1989 йилда «идоравий соқчилик» сўзи оддийгина «соқчилик» сўзи билан алмаштирилди. Аслида 1952 йилдан бери соқчилик хизматининг номи ўзгармаган эди. Вазифаларимиз, иш кўлами, шунингдек, қўриқлаш нуқталари анча кўпайди. Бундан ташқари милициянинг барча идоравий бўлинмалари бизнинг ихтиёримизга берилди. Тўқсон беш фоиз қўриқланадиган объектларга махсус огоҳлантиргичлар ўрнатилди. Бошқарма қошида муҳандислик хизмати тузилган. Жумҳуриятимиздаги етти фоиздан зиёд телефонлаштирилган хонадонлар марказий соқчилик нуқталари орқали қўриқланади.

СССР ва жумҳурият Вазирлар Кенгашларининг қарори барча вазирликлар ва идоралар зиммасига мавжуд халқ хўжалиги объектларини қўриқлашни бизнинг соқчилик хизматимиз ва унинг бўлинмаларига ўтказиш вазифасини юклади.

Энди саволингизга бемалол жавоб берсам бўлади. Аввало, муштарийларга мурожаат қилмоқчимиз. Улар ўзлари яшайдиган жойлардаги соқчилик бўлим ва бўлинмалари билан ўз хонадонларининг қўриқланиши бўйича шартномалар тузишсин. Халқимизда «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма», деган ажойиб нақл бор. Бизнинг марказлаштирилган соқчилик нуқталаримиз жумҳуриятимизнинг барча шаҳар ва ноҳия марказларида мавжуд. Хонадонларда фуқаролар мол-мулкини ўмарувчилар билан курашда эшик ва деразаларга ўрнатиладиган махсус огоҳлантирувчи техник мосламаларнинг роли беқиёсдир.

— Қўриқчилик ва ҳарбийлаштирилган соқчиликдан ташқари яна милиция бўлинмалари бор. Улар халқ хўжалиги объектларини қўриқлаш бўйича иш олиб боришади. Кечқурун ва тунги вақтларда улар ҳаракатда бўладилар. Марказлаштирилган соқчилик пунктларида эса доимо сипоҳилар бошчилигидаги милиция ходимлари шай турадилар.

Соқчилик хизмати ходимлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни юқори даражада адо этишаяпти, десам муболаға бўлмас. Масалан, ўтган 1989 йили улар томонидан турли қонунбузарлик ҳолларига сабабчи бўлган 1325 нафар жиноятчи, «майда ўғрилик» қилганликлари учун 16882 нафар киши ушланди. Жумҳурият бўйича хонадонларда 9941 та ўғрилик содир қилинган. Марказлаштирилган соқчилик пунктлари тасарруфидаги уйларда эса бор-йўғи 9 та. Шунда ҳам ўғрилик қилмоқчи бўлган кимсаларнинг 53 нафари техник мосламалар ёрдамида қўлга туширилган.

— Сиз юқорида тилга олганингиз — майда ўғрилик, ташмачилик корхона ва ташкилотлар учун қанчалик қимматга тушиши тушунарли. Соқчилик хизмати ва коллективларнинг раҳбарлари бунинг олдини олиш учун қўшимча қандай чора-тадбирлар кўришаяпти! Ана шундай ўғриликлар кўпроқ қаерларда содир бўлмоқда!

— Кўпинча ташмачилар корхона ва ташкилотларнинг кириш-чиқиш жойларидаги назоратчилик постларида ушланади. Соқчилик хизмати ҳар бир назоратчилик нуқталарини вақти-вақти билан кўздан кечириб туради, уларнинг техник ҳолатини ўрганади, етишмовчиликлар тўғрисида корхона раҳбариятини огоҳлантиради. Камида бир йилда икки маротаба халқ хўжалигини қўриқлаш объектларини текшириб борамиз. Бундан ташқари ана шу объектларни паспортлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар кўраяпмиз.

Лекин афсуски, бир қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари соқчилик хизмати қайд қилган етишмовчиликлар, шунингдек уларни бартараф этиш юзасидан билдирилган таклифларга эътиборсизлик билан қарашади.

Биз махсус видеофильмлар, суратли альбомлар тайёрлаймиз. Соқчилик хизматига мукаммал нуқтаи назар билан ёндашамиз. Мен корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, айтаманки, биз фақат ўзаро ҳамкорликни кучайтириш билангина турли хил қонунбузарлик ва ташмачиликларга барҳам беришимиз мумкин. Назоратни кучайтириш учун биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз, назорат нуқталарида огоҳлантирувчи махсус техник мосламалар ва телевизион қурилмалардан кенг фойдаланиш лозим. Умуман соқчилик хизмати олдида турган долзарб вазифалар ҳали кўп. Уларни жамоат ташкилотлари, корхоналарнинг раҳбарлари, кенг халқ оммаси билан ҳамкорликда амалга оширишни мўлжаллаганмиз.

Кейинги йилларда давлат ва фуқаролар шахсий мулкларини ўғирлаш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Бу жиноятчиликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Лоқайдлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ҳам катта талофатлар кўрилмоқда. Бунга ким айбдор? Ёнғинлар кўпайишининг сабаблари нимада?

Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги соқчилик хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Р. ШАХОВСКИЙ ва ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички ишлар хизмати полковниги Э. НОРГИТОВлар билан учрашиб, суҳбатлашди.

Сабабсиз ёнғин чиқмайди

— Очиғини айтадиган бўлсак, ҳали қилинадиган ишлар беҳисоб. Шу пайтгача ёнғиндан сақлаш бўлимлари фаолиятига жуда кам эътибор берилди. Муаммолар йиллар мобайнида илдиз отиб бораверди.

Бошқа йилларни қўя турайлик-да, биргина ўтган йилги мисолларга мурожаат қилайлик. 1989 йилда жумҳуриятимиз бўйича 10 минг 480 та ҳар хил турдаги ёнғин ҳодисалари содир этилди. Давлатга келтирилган зарарни айтишнинг ўзи даҳшат! Салкам 24 миллион сўм. Ҳазилакам рақам эмас. Бу кўрсаткични 1988 йил билан таққослаб кўрадиган бўлсак, 42,7 фоизга, келтирилган зарарнинг миқдори эса 2,1 мартага кўпайганлигини кўрамиз. Ўтган йили «тилсиз ёв»лар оқибатида 261 нафар киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Ҳалок бўлганлар орасида мурғак гўдаклargача бор.

— Ўзбекистонда шундай улкан ўт ўчирувчилар отряди бўла туриб, нега яна ёнғинларнинг сони камайиш ўрнига ортиб бораяпти!

— Тўғри, Ўзбекистонда ўт ўчирувчиларнинг катта бир армияси фаолият кўрсатмоқда. Гоҳо одамларнинг: «Ўт ўчирувчилар доимо ёнғинлар тугагандан кейин етиб келишади», деган таънали сўзларини ҳам эшитишга тўғри келяпти. Бу сўзларда оз бўлса-да, жон бор. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрадиган бўлсак, бунга биргина биз айбдор эмасмиз. Аксарият, ҳолларда фуқаролар ёнғин содир бўлгандан сўнг анча вақт ўтгач, бизларга кеч хабар қилишади. Ҳозирги пайтда одамлар ниҳоятда масъулиятсиз бўлиб боришяпти. Ёнғинасида бировнинг уйи ёниб кетаётган бўлса, у ҳеч парво қилмасдан бемалол ўтиб кетаверади. Авваллари кишилар бирор қишлоқ ёки шаҳарда ёнғин чиққанини кўрса, ё эшитса, бир-бировларига айтиб ёшидан қатъий назар, ёрдамга етиб келишган. Ҳозир эса бунинг акси.

— Хонадон ва идораларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги ҳам кўпинча кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Шундай эмасми!

— Ўтган йилнинг 3 сентябрида Термиздаги савдо бошқармасининг шаҳар саноати савдоси базаси омборхонасида кучли ёнғин чиққан. Бу ерда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг энг оддий қонун-қоидаларига ҳам риоя қилинмаган. База биринчи ўт ўчириш бўлинмаси катта инспектори, ички ишлар хизмати майори К. Жўраевга бириктирилиб қўйилган бўлса-да, у ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмаган. Мазкур объект ўз вақтида назорат қилиб турилмаган. Келтирилган моддий зарар ҳам «чакки» эмас. Қўпол хатоликларга йўл қўйганлиги ҳамда ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажармагани учун Жўраевга маъмурий чора кўрилди. Ёки бўлмаса Андижон вилоятининг Ленинск шаҳридаги 33-дўконда содир бўлган ёнғинни олайлик. Бу ерда ҳам 1988 йилнинг 12 мартида текширув ўтказилган холос. Салкам 2 йилдан бери бу бинода ёнғин чиқиш эҳтимоли бўлган. Лекин ўт ўчирувчилар ҳеч қандай эҳтиёт чоралари кўрмаганлар. Бундай нохуш ҳодисаларни мен яна кўплаб келтиришим мумкин. Лекин гап фақат рақамлар билан белгиланмайди...

— Қайси вилоятларда ёнғиннинг олдини олиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда!

— Албатта, ютуқларимиз ҳам йўқ эмас. Тошкент шаҳри, Хоразм, Наманган, Тошкент вилоятларида фаолият кўрсатаётган бўлинмаларимиз ходимлари ўз хизмат бурчларини масъулият билан адо этаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бу жойларда ёнғинларнинг содир бўлиш ҳоллари ўтган йилларга нисбатан анча камайганлиги қувончлидир. Афсуски, ҳали кўпгина вилоятлар, шаҳар ва ноҳиялардаги қисмларимизнинг фаолияти қониқарли эмас. Халқ ўртасида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича белгилаб олинган чора-тадбирлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Жуда кўп жойларда бу мавзуда деярли машғулотлар ўтказилмайди. Ходимларнинг малакаси оширилмаяпти.

Шунингдек, жумҳуриятимизнинг Тўрткўл, Беруний, Қоракўл, Когон, Нишон, Норин, Чуст, Денов, Термиз, Риштон, Фрунзе сингари ноҳиялардаги давлат ёнғиндан сақлаш бўлинмаларимизда эса ҳатто содир этилган ёнғинларни яшириб қолишга ҳам уриниб кўришди. Албатта, айбдорлар жазоланмасдан қолмади.

Бизнинг иш фаолиятимиз биринчи навбатда кенг жамоатчилик билан олиб борилади. Қачонки, ана шу икки ўртадаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораверса, йиғилиб қолган муаммоларимиз ўз ечимини топади.

Дока рўмолнинг қуриши...

ТАЛАБАЛИК йилларимда оилаларнинг ажрашиб кетаётганлиги ҳақидаги маълумотлар мени ғоят ташвишга солерди. Домлаларимиздан бирининг айтишларича, ўша вақтларда ҳар 100 оиладан 33 таси ажрашишар эди. Мен бу мушкул савдонинг сабаблари тезда аниқланиб, чора кўрилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида кўп ўйлардим. Ўшанда «Оила тинчлиги — жамият мустаҳкамлиги» сарлавҳали мақола ҳам ёзганман. Лекин уйланганимдан сўнг... Ўзимнинг ҳам ўша рўйхатга киришимга оз қолди! Хўш, нима учун шундай бўлди? Бугунги мулоҳазаларим ана шу хусусда. Шунинг учун ҳам биринчи эътирозим — мунис ва меҳрибон аёлларимизгадир.

Аёлларимизнинг оиладаги мавқеи уйланганларга маълум. Биз истаймизми, йўқми, рафиқамиз билан ҳисоблашиб, келишиб иш қиламиз, уларга қулоқ тутамиз. Шу маънода уй бекасининг дунёқараши хонадон соҳибига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Кўпгина хотинлар ўз меҳри билан эрларини ипсиз боғлаб олганлар. Бу меҳр шу қадар кўп нарсага қодирки, биз у туфайли ота-она, ака-ука, ҳатто, ёру биродарларимиздан воз кечишгача бориб етмоғимиз мумкин ёки аксинча!..

Бир одамни биламан: турмуш ўртоғини жонидан ҳам ортиқ кўради, хотинининг яхши ва хотиржам яшаши учун ўлиб-тирилиб меҳнат қилади. Уни истаган пайтида истаган жойига машинасида олиб бориб, олиб келади. Машина аёл хоҳиши ва кўрсатмаси билангина юради. Демак, эр ҳам ўша машинанинг бир мурватига айланиб қолди, деяверинг! Мен оилада тенгликни камдан-кам учратаман. Ё эр, ё хотин ёқтиргани туфайли тобе бўлиб қолади. Тобе тараф ҳоким тарафга бўйсуниши, бойликка ёки шуҳратга овуниб яшаши шарт.

Бир шоир дўстим бор. Ўзи ёқтириб, севиб уйланган. Уйланган-у, оғзи куйган. Матбуотда шеъри чиққудек бўлса, суйгани қувониб, уни табриклаш ўрнига: «Энди қанча пул беришади?» деб сўраркан. Бу лоқайдликка чидаш учун қанча тоқат ва куч кераклигини сезаяпсизми! Дўстим дастлабки пайтларда хотинига боғланиб шеър ёзишни ҳам эсидан чиқарди, кўпроқ пул топишнинг пайига тушди. Бироқ қанча ҳаракат қилмасин, бу иш унинг қўлидан келмади. Бой бўлишдан ишончи сўнгач, маҳзун шеърлар ёза бошлади. Бу эса эрка аёлнинг ғашини келтирмаслиги мумкин эмасди. Охири бўлмади! Оғайнимнинг оиладан ҳам, муҳаббатдан ҳам, хотинидан ҳам ҳафсаласи қайтди.

Хотинига меҳр қўйган эрнинг кўнгли мисли хамирга ўхшайди. Аёл киши ундан қўлидан келган таомини тайёрлаши мумкин. У биринчи галда турмуш ўртоғини тушуниб, унинг қизиқишларини аста-секинлик билан эзгу ишларга йўналтириш учун ҳаракат қилса — қандай яхши! Бироқ замондош аёлларимизнинг аксарияти ҳамма нарсани пул, бойлик билан ўлчайдилар. Тўғри, ҳамманинг ҳам яхши яшагиси, еб-ичгиси келади. Ахир пул-бойликдан устун турадиган инсонийлик мезони ҳам бор-ку!

Баъзи аёлларимиз «Йўқ, йўқ!» деяверадилар. Эрининг топганини менсимай, бор нарсаларни ҳам йўққа чиқаради. Нақл қилишларича, бир тотув оилага меҳмон келади. Овқатдан кейин аёли: «Қайси қовунни олиб келай!», деб сўрайди.

— Энг яхшисини! — дейди эр.

Шунда хотин эрининг гапи билан рўзғордаги биттагина қовунни етти марта олиб кириб, охирида энг яхшисини — ўшани танаввул қилишган экан. Бу ҳикматнинг маъноси жуда чуқур. Унда нафақат меҳмонга ҳурмат, балки оиладаги бир-бировини тушуниш, ҳавас қилгудек муҳаббат бор. Биз бугун аёлларимизни ишлатиб, пулга ўргатиб қўймаяпмизми? Уларнинг таъсирида ўзимиз ҳам мол-дунёга ўралашиб қолмаяпмизми? Шу каби саволларга жавоб ахтариб қийналаман.

Жон қизлар! Турмушга чиқаётганларингизда куёв бўлмишнинг зотини, амалдор ёки пулдор эканлигини суриштиравермай унинг сийратини ҳам англашга ҳаракат қилиб кўринг! Яна бир ўтинчим: ўзингиздаги чиройли фазилатларнинг ҳаммасини сингилларингизга қолдириб кетаверманг! Сизнинг муҳаббатингиз кўп нарсага қодир эканлигини унутманг!

Орамизда хотинини хўрлайдиган, ҳақоратлайдиган, ҳатто урадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бироқ менинг шоир дўстим ундайлар тоифасидан эмасди. У азбаройи яхши кўрганидан хотини эсидан чиқариб қолдирган тушлигини ишхонасига элтиб, ўзи ишга кеч қолгани ва раҳбарларимиздан анча-мунча дашном эшитгани менинг ҳам эсимда. Ўша дўстим ҳам хотинига қўл кўтарган. Унга: «Нега урасан! Ўзинг, номард эркак хотинига қўл кўтаради, деб юрардинг-ку» десам, «Қандай урганимни ўзим ҳам билмай қолдим», деб елка қисди. Демак, ҳамма нарсанинг чегараси бўлгани каби, бардошнинг ҳам, эркаликнинг ҳам чегараси бўларкан-да!

Яна бир хил аёллар барча яхши кийимларини кўчага чиққанда киядилар-у, уйда бир аҳволда юрадилар. Йўлда ишдан қайтаётган сулув қизларни учратган эрнинг кўнгли балки шунинг учун бўлинар?! Хотинининг ҳамиша бирдек чиройли бўлиб юришини ким истамайди, дейсиз! Тўғри, аёлларимизнинг саришталиги бизларга ҳам боғлиқ. Халқимизда: «Эр парвариш қилса, хотин париваш бўлади», деган доно гаплар ҳам бор. Бугунги кунда эркаклар ўз хотинларига меҳрибон ва эътиборли бўлиш билан бирга талабчанроқ бўлишлари ҳам керакка ўхшаб қолди, менинг назаримда.

Шу ўринда кексароқ танишимнинг ўз турмушидан гапириб берган бир ҳикояси эсимга тушиб қолди:

«49-йилда колхозда бригадир бўлиб ишлардим. Ноҳиядан: «Комиссия келаркан. Битта қўй сўйиб овқат тайёрлаб қўйинглар», деб тайинлаб юборишибди. Қўйни сўйиб, овқат қилиш учун қозон қидирдик. Учта кишининг уйига кирдик. Ҳаммасининг қозони ювуқсиз. Ноилож уйга келдим. Не кўз билан кўрайки, бизнинг қозон ҳам ювилмаган экан. Аччиғимдан бор ювилмаган идишларни синдириб тахлайвердим. Чинни-ю, сопол идишларнинг синиғига қозон тўлди. Бу орада ўғлим бориб онасини айтиб келди. «Битта яхши овқат тайёрлагин!», дедим унга. У бориб қозонни очди-ю, савол назари билан менга қаради.

— Жинни-пинни бўлдингизми?

Жаҳлим чиқиб кетгандан чап қўллаб бир туширдим, йиқилди. Бир-икки тепиб ҳам юбордим, шекилли. Шундан бери хотинимни урмаганман. Қаранг, шу воқеага ҳам эллик йил бўпти. Лекин ўшандан бери уйимизда бирор марта қозон ювилмай қолганини эслолмайман».

ГАПИРСА гап чиқаверади. Мақсадимиз жамиятимизнинг бир кичик бўлаги бўлмиш оилалардаги аҳволни таҳлил қилиш эди. Мен йигит-қизларимизнинг ўз бурчлари ва оила нималигини англаб етганларидан кейингина турмуш қуришларини хоҳлайман. Келин-куёв бир-бирларини тушунсалар, дока рўмоллар кўз ёшлардан ҳўлланмасди. Қисқаси, мен ёшларимизнинг муросали ва андишалироқ бўлишларини истайман.

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.

Сиз нима дейсиз?

«Муҳаббатга ишонаман»

Сир эмас, инсон муҳаббат ҳақида афсона эшитишни, ҳикоя, мақолалар ўқишни, бу борада чуқур фикр юритишни яхши кўради. Шу боис дугоналаримнинг баҳси ҳам кўпинча муҳаббат ҳақида бўлади. Мен эса суҳбат чоғида айтилаётган қалтис фикрларни эшитиб ажабланаман.

— Севги — бу азоб.

— Мен муҳаббатга ишонмайман.

— Йигитларнинг севгиси ёлғон. У ҳар қандай қизни ғафлатда қолдириши мумкин...

Синфимизда бир хунук воқеа рўй берди. Озоданинг туғилган куни эди. Ҳаммамиз уни табриклашга бордик. Орамизда дугонамизга кўнгил берган Мирқобил ҳам бор... У Озодага магнит лентаси совға қилди. Ҳаммамиз унга ёзилган қўшиқларни эшитгимиз келаётганини айтиб, Озодадан уни қўйишини илтимос қилдик. У йўқ деёлмади. Магнитофондан эса Мирқобилнинг титроқ овози эшитилди. Шовқин қилиб турган синфдошларимиз бир зумда тинчланиб қолишди...

«Озодахон! Бугун ҳаётингдаги энг қувончли кун. Сен 16 баҳорни қаршиладинг. Ҳамма дўстларинг қатори мен ҳам сенга соғлиқ, омад ва фақат яхшилик тилайман. Ҳозир куйлайдиган қўшиқларимнинг барчаси сенга бағишланган!».

Кейин Мирқобилнинг рубоб чалиб айтган машқлари янгради. Кўзларимни юмиб, энди куй сеҳрига берилай деган эканман, магнитофонни кимдир шартта ўчириб қўйди. Ҳамма ҳайрон. Озода кўзларини ердан ололмай ўтирган Мирқобилга чексиз нафрат билан қараб турарди. Кутилмаганда, у лентани Мирқобилнинг башарасига отди. «Керакмас менга аталган қўшиқларинг!», деди-ю, ўзи хонадан югуриб чиқиб кетди. Мирқобил ҳам эшикка отилди. Кўнглимда Озодага қарши исён уйғонди. Ўша пайтда синфдошларимдан ҳам, ўзимдан ҳам хафа бўлиб кетдим. Эҳтимол, биз лентани мажбурлаб қўйдирмаганимизда бундай воқеа рўй бермасмиди!! Ўшандан бери Мирқобил мактабга кам келади, бизлар билан ҳам гаплашишни истамайди, ўқишлари ҳам бирданига пасайиб кетди.

Тўғри-да, севиш айбми! Севган кишиси совғасини — қанча ҳаяжон билан айтилган қўшиқларию, дил сўзларини ҳамманинг олдида отиб юборса алам қилмайдими!! Эҳтимол, Озода бошқа бир йигитни севар. Шундай бўлган тақдирда ҳам, биз ўз севгимизни қадрлаш учун ўзгаларникини поймол этишимиз шартми! Наҳотки, юрагимизда жиндек меҳр, озгина шафқат топилмаса! Менингча, одамийлик нуқтаи назаридан ҳам бундай қўпол муомала қилмаслик керак эди.

Мен «Севги — ёлғон» қабилидаги сўзларни тенгдошларимнинг юрагидан чиққан фикрлар эканига ишонмайман. Бировни севмасдан туриб, ҳеч кимнинг бундай дейишга ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Инсонларнинг дарди, орзуси бир хил эмас. Демак, улар ўз севгисини ҳам бировникига таққосламаслиги керак. Биз катталарнинг гапларига ишонамиз-у, бир партада ўтириб бир-бирига кўнгил қўйган тенгдошларимизни писанд қилмаймиз, уларнинг муҳаббатига шубҳа билан қараймиз! Оқибатда, севгининг азобли бўлишига ўзимиз айбдор бўлиб қоламиз.

Мен барибир 16-17 ёшлиларнинг муҳаббатини қадрлайман. Бу севгининг ростлигига, софлигига, самимийлигига ишонаман.

Барно РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 134-мактаб битирувчиси.



Бир рубобнинг икки тори



— ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, КУЁВ, УЯТГА ҚОЛМАЙЛИК!

Сураткаш Даврон АҲМАД.

Айтишга тилим бормайди

АЁЛ — МУБОРАК ЗОТ. Уни биз эркаклар ҳамиша авайлаб-асраб, кўкларга кўтарамиз. Ахир у бизнинг онамиз, синглимиз, ёримиз. Ва ҳар дақиқада тирикликнинг гўзаллиги шу аёл билан-лигига имон келтирамиз.

Афсуски, кейинги вақтларда бу гўзалликни айрим шахслар булғай бошладилар. Қандай қилиб, дейсизми? У воқеани эслашга қурбим етмайди, айтишга тилим бормайди...

Яқинда мен Тошкентнинг «Олой» бозорини айланиб юрган эдим. Гул бозори ёнидаги дўкондан кундалик рўзномалардан олиб, ширкат савдо расталари томон бурилдим. Шунда бирдан эътиборимни ширкатчилар ишлаб чиқарган турли хил суратлар тортди. (Растада расм сотиб турган болалар ёнида бир қиз ҳам бор эди!) Ёш-ёш болалар нимани томоша қилишаётгани мени ҳам қизиқтирди. Яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, қип-яланғоч қизларнинг сурати туширилган тақвимлар болалар қўлида эди. Суратларда айтишга тил бормайдиган, юз чидамайдиган манзаралар борлигини кўриб, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Ён-атрофга назар солдим. Расталар ёнидан аёллар, қизлар ўтиб бормоқда...

Бу бемаъниликни қайси бадбахт ўйлаб топган экан? Чўнтаги қаппайишини шунчалик истар экан, бойлик орттириш учун бошқа йўл тополмадимикин?! Ахир унинг ҳам онаси, синглиси, ёри, қизлари бордир?

Мен жумҳуриятимиз ёшлари номидан шуни талаб қилардимки, табаррук аёлларимиз ҳаққи-ҳурмати, келажак авлоднинг ахлоқ-одоби ҳаққи — яланғоч, ярим-яланғоч суратлар, аҳлоқсиз кинофильмлар қувғин қилинсин!

Нусрат САЙИДОВ,
Тошкент матбаачилар техникуми толиби, Ленин стипендиати.

Унутолмайман

Бугун унинг хатларини кўзимга суртаман, кунда неча бор ёд бўлиб кетган сатрларни қайта-қайта ўқийман. Назаримда, у тирикка ўхшайди. Эртаминдин, албатта, яна бир янги мактубини оладигандайман.

Ҳа, инсонга чин севги бир марта насиб этади, деганлари шу бўлса керак. Мен энди Рустамсиз ҳақиқий бахтни тасаввур қилолмайман. У қандайдир тасодиф туфайли ҳарбий хизматда оламдан ўтди. Онаси бу кўргуликка чидай олмай, бевақт оламдан кўз юмди. Мен эса... карахтман. Мана, ундан жудо бўлганимга икки йилдан ошди. Юрсам ҳам, турсам ҳам унинг меҳрибон сиймосини кўз олдимдан узоқлаштиролмайман.

Бу ёқда келган совчиларга рад жавобини бераверив, ота-онамни ҳам қийнаб юбордим. Нима қилай, ўзим ҳам қийналиб кетаяпман. Учрашган йигитларимнинг ҳеч бири унга ўхшамайди. Унинг кўзларида чексиз меҳр балқиб турарди. Самимий эди. Мард эди. Мен ўзгаларнинг кўзларига қараймап. Уларнинг кўзларида ҳам меҳр бор. Фақат...

Менга маслаҳат беринг. Ўзимни ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб юбордим. Тўғри, Рустамни унутолмайман. Аммо ота-онам учун, балки ўзим учун ҳам ҳаётимни давом эттиришим керак-ку!

ДИЛФУЗА,
Андижон вилояти.

Савол биздан—жавоб сиздан

Саҳифамизнинг муҳтарам мухлислари! Биз бир мунча танаффусдан сўнг Сизлар билан оила ҳақида баҳс бошлашни лозим топдик. Зеро, оила ниҳоятда нозик ва мустаҳкам қалъадирки, унинг паноҳида ота-она, фарзанд деган муқаддас мазҳаблар дунёга келади, камолга етади. Бу қалъани умримизнинг сўнгги лаҳзаларигача омон сақлаш, уни бегона руҳлардан, ёмон кўзлардан асраш нечоғли мушкул...

Фарзандларимизнинг бахтиёр кулгулари хира кўнглимизни нурафшон этади, толиққан руҳимизга ором бағишлайди. Лекин бугун минг афсус ва надоматлар бўлсинки, онасининг иссиқ қучоғида эркаланиш, отасининг меҳрибон қўлларидан қувват олиш бахтидан бенасиб қолаётган ўғил-қизларимизнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Албатта, бу кўнгли ярим болаларнинг «собиқ ота-оналар»ини ҳам бахтли деёлмаймиз, сабабини суриштирмай туриб, уларни айблашга, қоралашга ҳам ботинолмадик. Уларни бу аччиқ қисматини тан олишга — оиласидан воз кечишга нималар мажбур қилдийкин?

Шу боисдан биз оиласидан ажралган бева аёл ва эркакларга беш савол билан мурожаат қилиб, бу фожианинг ижтимоий илдизларини излаб кўрмоқчимиз.

1. Севиб турмуш қурганмидингиз! Умр йўлдошингиз-чи!

2. Тўйдан сўнг қанча вақтдан кейин ажрашдингиз!

3. Оиладаги биринчи келишмовчилик қачон ва нимадан бошланган эди!

4. Фарзанд кўрганмисиз! Нечта! Ҳозир улар ким билан бирга яшайди!

5. Турмуш ўртоғингиз билан ярашиб, оилангизни тиклашни истайсизми! Яшаш жойингиз!

Дугонамга маслаҳат беринг

Дугонам Раънонинг кейинги вақтларда ўзгариб қолгани кўпчиликнинг эътиборини тортди. У ҳеч кимга қўшилмас, дарсларда аввалгидай фаол эмас, бир гапириб ўн куладиган аввалги Раъно эмас. Унинг дардидан воқиф бўлдим. Севиб қолган экан. Раъно ўзида катта куч топиб, ўша йигитга ёқтиришини айтибди. Лекин унинг — қиз боланинг севгиси рад этилибди. Раъно яхши кўриб қолган йигитнинг ўз севгилиси бор экан.

«Энди ҳеч қачон севолмайман» дейди дугонам. У тамомила ўзгариб қолган. Тўғри, ўша йигитни айбламоқчи эмасман. Лекин дугонам ҳам нима қилсин...

ДИЛОБАР,
Бекобод ноҳияси.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН: Саҳифамизга сиз азиз муштарийлардан кўплаб хатлар келган. Кимдир замонавий тўйлар ҳақида баҳс қилса, баъзилар севгилисининг ўзга хонадонга келинчак бўлиб тушгани ҳақида армон билан ёзади.

Мактублар... Қатларига дардлар яширинган, изтироблар сингган мактублар. Биз саҳифамизда уларнинг барчасини ёритишга имкониятимиз йўқлигидан афсусланамиз. Лекин навбатдаги саҳифада уларни сиз азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этишга ваъда берамиз.

* * *

Ана шундай мактубларни — самарқандлик А. Эшмуродов, Қ. Эрназаров, олмалиқлик М. Усмонова, ТошДУ толибаси Г. Абдиримова, андижонлик И. Худоёров ва бошқалар йўллашган. Биз уларга «Бир рубобнинг икки тори» саҳифасига бўлган эътиборлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Дарддош

«Мени кечиринг»

Дунёга келганига ҳали бир ой бўлмаган, лекин шу қисқа давр мобайнида она бағридан узилиб, унинг иссиқ сийнасидан эмас, шиша оғзига кийдирилган сўрғичдан сут эмишга ўрганган гўдагимни бағримга босиб, қаршингизда бош эгаман, уни, онанинг иссиқ сийнаси нималигини англаб етмай, тенгқурларининг оналари пиёлачаларга соғиб берган сутни эмаётган, бу сергаво дунёга келганига бир ҳафта бўлиб-бўлмай, мени — онасини йўқотиб, қайта топган гўдакни бағримга босиб, пойингизга тиз чўкаман, яхшилар.

Бегуноҳ гўдак ҳаққи, мени кечиринг, дунё, ота-она нималигини билмаган қизалоғимдан жудо қилманг, тирик етимлар сонини ортирманг...

Онажоним! Мен ёшлик қилдим. Аввало оиламиздаги тенгсизлик — синглимга бошқа кўз билан қараб, унинг қўлига жарақ-жарақ пул тутқазиб, мени камситишингиз, берган ҳар бир тийинингизни тергашларингиз жонимдан ўтди. Қолаверса, икки акамнинг оғир гуноҳ қилиб, бирин-кетин қамалиши, дажонимнинг ярим жон бўлиб, сизга қарам бўлиб қолиши, оиладаги ҳукмронлигингиз, учинчи акамнинг ҳам ўз йўриғингизга юритишингиз, рўзғор тутишингизга бўлган норозилигим туфайли шу савдо бошимга тушди, онажон! Ота-онанинг қилган ишларини фарзандлар муҳокама қилмайди, дейишади. Лекин, на илож...

Сиз мени саккизинчи синфни битиришим билан ишга — боғчага жойлаб қўйдингиз. Раҳмат. Шу билан оналик вазифангиз тугади, гўё. Ҳар ойда оладиган арзимас маошимни санаб олдингиз, бирор марта «Болам, нима каминг бор?» деб сўрамадингиз.

Якка-ёлғиз дарахтдек фақат иш билан овуниб юравердим. Балоғатга етганимни сиз қатори ўзим ҳам билмай қолдим. Лекин шунда ҳам ўзимдан дуркун ва хушрўй бўлган синглимнинг эски кийимларини кийиб, «кун кўрдим».

Кутилмаганда ҳаётимга гўё бир нур кириб келди. Севилдим. Севиб қолдим. Ёлғизликдан қутилдим. Бу шунчаликда гўзал ва ажойиб эдики, у билан кечган икки йиллик умрим гўё икки дақиқага ўхшайди. Севгимиздан акам ва синглим воқиф эдилар. Дадам ўз дардлари билан, сиз эса савдодаги хизматингиз билан овора эдингиз. Севгининг сеҳрига берилиб кетиб, ўзимни қўлга ололмадим. Ақлим жойига келиб, ҳушимни йиғиб олганимда эса...

Ахийри дўппайган қорнимга сизнинг ҳам кўзингиз тушди. Сабабини сўрадингиз. «Қандайдир ўсимта бор эмиш» деб ёлғон гапирдим. «Ўсимта»нинг нималиги билан ишингиз бўлмади. Вақтингиз ҳам йўқ эди.

Ҳомилам 6-7 ойлик бўлганда, «Ишхонани шарманда қилдинглар», деб Тўлқин иккаламизни ишдан бўшатишди. У шаҳарнинг бир четида ижарада яшаб, кечқурун ўқишни давом эттираверди. Аҳволимнинг танглигини кўриб, сизнинг ёнингизга қўлимни сўраб келди. Лекин акам уни остонамизга йўлатгани йўқ. «Сенга берадиган синглим йўқ!», дея қувиб, ҳайдади. Устимдан қулфлаб қўйди. Ўз уйингизда, фарзандларингиз орасида бўлаётган бу машмашалардан бехабар эдингиз, онажон!

Ниҳоят бахтлилар орзиқиб кутадиган, мен учун эса машъум вақт келди. Ярим тунда тўлғоқ бошланди. Шундагина нима гаплигини тушундингиз. Тонг отмасдан уйимиздан узоқроқ туғруқхонага жойлаштирдингиз. Ҳаёт билан ўлим орасида жон талашиб турганимда бошимга муштлаб,« Боладан кечасан. Кечаман, деб ёзиб берасан» дея ўдағайладингиз. Бу пайтда мени фақат бир нарса: етмиш икки томиримни узиб юбориш даражасигача етган аччиқ оғриқ азоби қийнар эди. Ниҳоят қутилдим. Қизалоқ туғилди. Унинг «инга-инга»сини эшитган заҳотим вужудимдаги оғриқлар таққа тўхтади. Кўксимдаги доим бўм-бўш турадиган жойга гўё бир парча олов кириб қолгандай, уни ёндира бошлади. Бу — оналик меҳри эди. Мен она бўлдим. Лекин мени ҳеч ким муборакбод қилмади. Аксинча, ҳар тарафдан таънамаломатлар ёғилиб, пичир-пичирлар бошланди. Парво қилмадим. Қизимни бағримга босиб, қувондим. Унга сийнамни тутдим.

Онажоним! Шу пайт сиз пайдо бўлдингиз-у, боламни қўлимдан тортиб олдингиз. «Олмайман, рад этаман, деб ёзиб бер», деб жанжал кўтардингиз. Айтганингизни қилмадим. Тўлқиним етим ўсганини билардим, унинг фарзанди ҳам тирик етим бўлишини хоҳламадим.

Онажон! Сиз кимлар биландир келишиб, бир ҳафта ўтгач, мени уйга олиб кетдингиз. Гўдагимни эса «Олти ойдан кейин болалар уйидан оласан» дедингиз. Лекин уйда менга берган азобларингиз, икки кўкрагим сутдан шишиб, чеккан азобларим ҳолва экан. Орадан ўн кун ўтмай, мени руҳий касалликлар шифохонасига олиб бордингиз. Бу ерда бир ҳафта яшадим. Меҳри дарё одамлар йўқ эмас экан бу ерда. Ҳеч қандай руҳий хаста эмаслигимни аниқлашиб, уйга жавоб беришди. Кийиб кетишга уст-бошим йўқ эди. Қайтариш шарти билан кийим беришди. Уйга эмас, туғруқхонага бордим. У ерда сизнинг ёзган раддиянгиз билан ҳали исми қўйилмаган чақалоғимни гўдаклар уйига топшириб юборишибди. Қизалоғимни топдим.

«Мен маҳаллада қандай бош кўтариб юраман!», дейсиз онажон. Фарзандимдан айрилсам, ҳамма гап қилмайдими, онажон! Бағримнинг бир парчаси бўлмиш гўдагимдан айрилишимга қайси имонли инсон бефарқ қарайди? Кейин умрбод лаънат остида қолмайманми? Қизимнинг отаси албатта бизни қидириб келади. Аёли ва қизини ўз паноҳига олади. Унгача сиз мени жигарбандимдан айирманг, тиз чўкиб сўрайман. Қаршингизда гуноҳкорман!!!

Менга фатво беринг, онажон!

ШАҲЗОДА.
Тошкент шаҳри.

«КАМАЛАК»


ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ВЕТЕРАНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Термиз яқинидаги «Жайронхона» бальнеология шифохонаси ҳудудида уруш ва меҳнат ветеранлари учун ихтисослаштирилган бўлим очилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 30 киши даволаниб, муолажа олиши мумкин.

Янги бўлим шифохонанинг капитал ремонтдан чиқарилган корпусида жойлашди. Бу ерда беморларни эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олиш учун барча шароит яратилган. Зарур тиббий текширувлар ўтказиш имконини берадиган табобат ускуналари ўрнатилган. Алоҳида ошхона ветеранлар хизматида.

Диққат! Диққат!



ХИВА—ХАЛҚ МУЛКИ

Яна уч йилдан сўнг — 1993 йилда бутун жаҳон тафкор оммаси тараққиётнинг ибтидоий гўшаларидан бири, мўъжизавий санъатнинг жонли тимсоли буюк хоразмийлар мерос қолдирган боқий гулшан — Хиванинг йигирма беш асрлик тўйини нишонлайди. Улкан санага ҳозирлик аллақачон бошланиб кетди. Бу кунга ҳар ким ўз улуши билан боришга интилади. Ким гул, ким бир боғ пиёз деганларидек...

Хива ноҳия комсомол қўмитасининг тарихий обидаларга эътибори хусусида олдинлар бир неча марта ёзганмиз. Комсомол ходимлари ташаббус билан чиқишиб, «Достон» фольклор этнографик уюшмаси тузишди. Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасисида фаолият кўрсатиши лозим бўлган уюшманинг хизмати ранг-баранг: Хоразм маданияти, адабиёти, халқ амалий санъати тарғиботи ҳамда миллий кийим-кечаклар, хивача ширинлик-таомлар тайёрлаш ва уларни аҳолига, сайёҳларга манзур қилиш. Эзгу ишга аллақачон киришилган. Аммо комсомолнинг «қўли калталиги» — маблағ масаласида ишлар орқага сурилмоқда.

«Ёш ленинчи» рўзномаси мазкур уюшмани ўз оталиғига олди ва шу боис комсомол қўмитаси уюшма учун очган махсус ҳисоб жамғармасига дастлабки ёрдам тариқасида 500 сўм пул ўтказди. Яна шу йил июнь ойида ёшлар куни ва Хоразм комсомолининг 70 йиллиги муносабати билан қўҳна Хивада «Ёш ленинчи» байрами ўтказиб, тушган барча маблағни мазкур уюшмага қолдиришни режалаштирди.

Хива — халқимиз мулки, боболаримиздан мерос, тенгсиз жавоҳир, кўз қорачўғимиз. Лекин, у бугун қаровсиз аҳволда, обидалари кунора нураб, кўркини йўқотмоқда, мадрасалар таъмирлашни кутиб ётибди. Лоқайдлигимиз — маданий сўқирликка айланиб етган...

Хиванинг қутлуғ тўйи арафасида бобошаҳарга ёрдам қўлини чўзишни истаган, қалб саховатини дариғ тутмайдиган барча-барчага мурожаат қиламиз. Хоразмда ва ундан ташқарида яшаб, ижод қилаётган санъаткорлар, қўшиқчилар, шоиру ёзувчилар ҳам бу савобли ишдан четда қолмас, деган умид бор бизда.

Меҳр-шафқатли кишилар, корхона-ташкилотлар раҳбарлари учун комсомол қўмитаси қошидаги «Достон» уюшмасининг макони ва ҳисоб счётини маълум қиламиз: **Хива шаҳри, Гагарин кўчаси, 25 уй. Турар-жой социал банки, 46167.**

САҲНАДА—«ВОРИСЛАР»

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз саҳналарида талайгина ёш ижодкорлар гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан айримлари, масалан, «Дард» (Тошкент), «Мулоқот» (Қашқадарё) каби театр-студиялар ўзларининг дадил, жозибали чиқишлари билан томошабинлар эътиборини қозонди. Наманган шаҳрида хўжалик ҳисобида ишловчи «Ворислар» ижодий уюшмаси ҳам давр тақозоси, ёшлар эҳтиёжи туфайли ҳаётга кириб келди.

Уюшма бундан икки йил муқаддам вилоят комсомол қўмитаси ёрдамида ташкил топди. Эндиликда унинг таркибида Валижон Арабов раҳбарлигидаги «Олтин калитча» қўғирчоқ театри, ёш томошабинлар театри, Лутфулло Маҳмудов етакчилигидаги ҳажв ва ҳазил театри фаолият кўрсатмоқда. Уюшма асосан Тошкент маданият институтини тамомлаган ёшлар, шулар ичида санъатга ихлос қўйган бошқа соҳа вакилларини бирлаштирган. Улар сафида Баҳодир Асқаров, Ҳошимжон Абдуллаев, Манзурахон Аҳмадалиева, Абдуфаттоҳ Буваназаров, Норқўзи Кўчқоров каби истеъдод соҳиблари бор.

— Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ҳажв ва ҳазил театримизда ўтган давр ичида «Бугун Насриддин келади», «Кулинг дўстлар умрингиз узоқ бўлади» номли томошаларимизни элимизга ҳавола этдик. Шу кунларда «Салом, умидлар даври!» деб номланган янги программа устида ишлаяпмиз, — дейди бадиий раҳбар Лутфулло Маҳмудов. — «Ворислар» ҳақида гапирганда ажойиб санъаткор Рустам Ҳамроқуловнинг номини тилга олмаслик, хизматларини гапирмаслик мумкин эмас. Рустамжон бизни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят театридан бизга ўтган эди. Биз бундан жуда қувонган, у билан янги программалар, спектакллар режасини тузиб қўйган эдик. Афсус, бевақт ўлим бу бебаҳо инсонни навқирон ёшида орамиздан олиб кетди.

Дарҳақиқат, моҳир сўз устаси, жумҳурият қизиқчилари конкурсининг ғолиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рустам Ҳамроқулов кулгисевар, шинаванда халқимизнинг меҳр-муҳаббатини қозонди.

Наманган вилоят комсомол қўмитаси, маданият бошқармаси бу беназир санъаткор номини абадийлаштириш ҳақида мулоҳаза юритишса савоб бўларди. «Ворислар»нинг ниятлари ҳам шундай.

Азиз АБДУЛҒАНИЕВ.

У 1974 йилда туғилган. Тошкент вилояти, Калинин ноҳиясида 45-ўрта мактабнинг 10-синфида ўқийди. Унинг сеҳрли бармоқлари, хислатлари ҳақида шов-шувлар, миш-мишлар кўпайиб бормоқда...

Фотимадаги бу сирни биринчи бўлиб онаси сезганди. Фотима боғчага қатнаб юрарди. Бир куни онаси қизининг қулоғидаги тилла зиракчаси оқариб, мисга ўхшаб қолгани ва халқаси синганлигини кўрди. «Тилла эмас экан-да», деган ўйда зиракни текширтиришди. Тилла экан. Кейинчалик ота-она мўъжизали одамлар ҳақида ҳар хил афсонанамо гапларни эшита бошлади ва қизларини ҳам синаб кўришди. Унинг нозик кафтларига қайчи, қошиқ ёпишиб қолаётганини кўришди. Қизча боши, оёқ-қўли оғриган қариндошларини даволаб тузата бошлабди.

Фотимани ота-онаси редакцияга олиб келишди. У ўз хислатларини намойиш қилди. Ҳатто ёзув столи устидаги ойнани ҳам бармоқларига ёпиштириб кўтариб турди. Бу қандай мўъжиза? Унинг бармоқлари сири нимада? У беморларни даволай оладими?..

Бу саволларга аниқ жавоб олиш учун бундай мўъжизалар илмий асосда ўрганилиши зарур.

Фотима Боймуродованинг ўзи ҳам Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирмоқчи. Мақсади — инсон жисмини ўрганиш, мўъжизалар сирини билиш, шифокор бўлиш.



МЎЪЖИЗА...МИ?



Мақсад яхшилик эди, аммо...

«Нафосат-90» рақс баҳси ҳақидаги хабар бир ойча аввал кўпчиликни қувонтирди. Чиндан ҳам жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси кўзлаган мақсад яхшилик эди. Ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантириш, иқтидорли рақс ижрочиларини танлаш, уларни камолот сари йўналтириш каби...

Баҳс тугаганидан буён ён атрофимизда, «зангори экран»да қулоғимизга чалинаётган кўнгилхиралик, норозиликлар ҳақидаги гапларнинг охири бўлмаяпти. Бунинг боиси нимада! Саволимизга жавоб топиш учун баҳснинг ташаббускорларидан бири жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ижодкор ёшлар билан ишлаш шўъбаси мудири Феруза Шомузаффарова ҳамда ҳакам ҳайъати аъзоси, СССР халқ артисти Қундуз Миркаримовага мурожаат қилдик.

Феруза ШОМУЗАФФАРОВА:

— Кейинги пайтларда ўзбек миллий рақслари аста-секин йўқолиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Мана шу жараённи тўхтатиш мақсадида синов ўтказишни режалаштиргандик. Бизнинг тасаввуримизча, у яхши натижалар бериши, кўпгина раққосалар билан бирга раққосларни ҳам танитишига имонимиз комил эди. Лекин бу натижаларга қисман эришсак-да, аслида рақс санъатидаги муаммолар ҳам юзага чиқди. Бу деган сўз профессионал ва ҳаваскорлик рақси ўртасидаги тафовут кўзга ташланди. Очиғини айтиш керакки, ҳаваскорлар ўртасида чинакам истеъдод эгалари намоён бўлди. Дастлаб шу тадбир сабаб профессионал ижрочилар ҳаваскорлар санъатини кўришсин, улар бирбирлари билан мулоқот қилиб биргаликда санъат ривожига ҳисса қўшишсин, деган ниятларимиз бор эди. Қўйилган баҳолар ҳакам ҳайъати томонидан ўзаро муҳокама қилиниб, адолатли қўйилди. Баҳс охирида бизнинг фикримизча, рақс санъатимиз жар ёқасида тургандек туюлди. Энди уни ривожлантириш лозим. Бунинг учун ҳаммамиз — профессионаллар ҳам, ҳаваскорлар ҳам бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилиши керак. Ҳатто хореография билим юртларида ҳам ўқитиш усулларини ўзгартиришга тўғри келади. Йўл қўйилган хатолар борасидаги гаплар асосий мақсад яхши бўлганлиги учун ҳам у қадар аламли эмас. Энг осони, бундай тадбирларни умуман ўтказмай қўя қолиш. Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш керак-ми? Йўқ, яхшиси ҳаммамиз бетакрор, нафосатга бой, дилларга чўғ улашувчи чинакам ўзбек рақсларини яратиш борасида куйинайлик, изланайлик.

Қундуз МИРКАРИМОВА:

— Албатта бундай тадбирларни ўтказишдан аввал, тайёргарлик жараёнида бамаслаҳат иш тутиш керак. Тўғрисини айтсам, баҳсда кўпгина талантлар юзага чиқди. Айниқса, қашқадарёлик Зулхумор Жабборова. Биз ундаги нафисликни, ибони, миллийликни кўриб қувондик. Бухоролик Сурайё Қурбонова ҳам катта маҳорат кўрсатди. Муҳайё Ўринбоева бошига қўқон дўппи, устига беқасам тўн кийиб хиром этганда, кўз олдимга Мукаррама опа келди. Жуссаси бироз гавдали эканлигини ҳисобга олмаганда, барча хатти-ҳаракатлари опаникидан қолишмасди. Аминманки, иккинчи турга ўтган бу талант соҳибалари ўзлари яшаб турган жойдан йўлга чиқишган пайтда, ота-оналари, ёру-биродарлари билан хайрлашганда умид билан яхши баҳони, совринли ўринни ният қилишган. Улар халқ орасида, одамлар орасида бўлишади. Мен уларнинг қайтиб бориб, юқори ўринларни ололмадик, деган ҳолатини тасаввур этаман. Шунинг учун очиқ айтиш лозимки, биринчи галда эълоннинг ўзида баҳсни ташкил қилишда хатога йўл қўйилди. Бу ҳақда рўзномадаги эътирозлар тўғри. Ахир саҳна юзини кўриб, томошабинлар олқишини олиб юрган профессионал билан ҳаваскорни қандай қилиб беллаштириш мумкин? Лекин бу беллашувда айрим ҳаваскорлар ўша профессионаллардан ўзларининг миллийлик борасида, яна таъкидлайман, айниқса миллийлик борасида устун томонларини кўрсата олишди. Ўз фаолиятим давомида сурнай лазгисига хиром этган раққосани учратмагандим. Қашқадарёлик Саида Қурбонова сурнай лазгисини қойил қилди. Лекин учинчи турда ижро этган «Хоразм мақоми» эса сустроқ чиқди. Ғолиб Шаҳноза Фазилжонова ўзи аввал жумҳурият кўригида лауреатликни қўлга киритган эди. Назаримда барча совринли ўринлар вилоятлардан келган қобилиятлиларга берилса бўларди. Афсус, умид ва ният билан келган иқтидор эгалари кўнгли ўксиб, қайтишди. Бу ўксиклик уларнинг санъатга бўлган меҳрига, муҳаббатига, келажагига бўлган ишончига, рақкосаликдек масъулиятли ва хайрли касбига таъсир этмасин деб қўрқаман. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти вакиласи, «Ойқулаш» ансамбли қатнашчиси қобилиятини, ўзи рус бўлса ҳам, ўзбек рақсини маромига етказган Марина Лиҳачова рақсларини тўғри баҳолашда ҳакамда фикрлар чалкашди.

Бу камчиликларнинг келиб чиқиши жюри ҳайъати аъзоларининг тўғри танланмаганидир. Улар сон жиҳатидан кўп бўлса-да, чинакам рақс санъатини, классик рақслардаги ўзига хос томонларни тўла тушунадиганлари озчилик эди. Шунинг учун айрим иштирокчиларнинг эътирози ҳақли. Ҳакамликда ҳар хил вазият бўлди. Мен барибир баҳс қатнашчиларига умидсизликка тушмасликни маслаҳат бераман. Ҳар қалай бир карра, икки карра халқ олдида ўзларининг санъатларини намойиш этишди. Беллашувдан кўзланган мақсад ҳам шу эди. Йўл қўйилган хатоликлардан қатъий назар мен раққоса сифатида саҳнамизнинг эртанги куни борлигидан, улар жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва ноҳияларида ўз иқтидорларини баркамоллатиб, изланаётганликларидан ҳурсандман. Энди уларни асрашимиз, ғамхўрлик кўрсатишимиз, чинакам санъат сари йўналтиришимиз лозим.

Хулоса қилиб шуни эътироф этамизки, бу эзгу ишнинг бошланиши. Келгусида айниқса миллий руҳ тобора кўпроқ қанот ёзаётган кунларда миллий рақсни ривожлантириш учун яна шу каби тадбирлар ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмас. Унда эса, сўзсиз, ҳаваскорларгина саҳнада бўлиб, профессионаллар, ким бўлишидан қатъий назар, томошабин сифатида баҳо беришади. Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ўтказган «Нафосат—90» жуда катта аҳамият касб этган ҳолда талай шов-шувларни келтириб чиқарди. Энди уларга чек қўйилиб, яна эзгу, яхши мақсадларни кўзлашда давом этиш ўринли.

Муқаддас СОЛИҲ қизи,

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Божамнинг дарди

(Ҳажвия)

— Садоғангиз бўлай, божавой! — қўнғиз мўйловли Одилжон хонага кирибоқ гап бошлади. — Ибн Синонинг руҳи қўллагур, ёрдам беринг. Юрагим тушиб қолди. Нақ киндигим устида ураяпти.

— Юрагингиз қачон тушди? — Қосимжон ҳайрон бўлиб сўради.

— Каттамиз сим қоқиб «комиссия!» деганди, «шиғ» этди. Халқ назоратчилари деган елимлар тухумдан тук ахтаришади. Дадаси ғишт ўғирлаганда жазога тортган Карим қилич уларга бош. Текширган жойини тешмасдан қўймайди. Беайб парвардигор, андак етишмовчилигим бор. Бир балога учрамай дедим-у, ўрнимга ёрдамчим Зокир зўлдирни қўйиб, олдингизга чопдим.

— Яхши қилибсиз, бир зумда дарддан халос қиламиз.

— Дўхтиржон! Мени дардан қутқарманг, бирорта касаллик топиб беринг.

— Ёпирай! Касаллик сўраган одамни энди кўришим. Эсингиз жойидами?

— Менга касалликнинг қоғози керак. Елимлар кетгунча «касал» бўламан. Баҳонада искалатнинг баланд-пастини текислайман.

— Ҳеч иложим йўқ, — Қосимжон қўлларини икки томонга ёйди.

— Божажон, инвалидлик қоғози сўраганим йўқ. Янги жигар ёки юрак қўймайсиз. Бурганинг кўз ёшича сиёҳни аяманг. Бўлмаса бирор еримга дазмол босаман, ё қизиган плитага ўтираман.

— Тушунинг, мен одамларни дарддан халос қиламан, деб Гиппократ қасамини ичганман. Касаллик улашсам, қасам уради-я.

— Гиппократингизнинг ҳам болачақаси бордир? Ё пуштсиз хотинми?

— У эркак киши.

— Ўзимиздан экан-ку. Машинаси бордир, тил топишамиз. Касалга суркайдиган спиртдан ўринча отиб турса керак? Сизларга қасам ичириб қўйиб, ўзи айшини сураётгандир. Таранг қилманг, фойдам тегиб қолар. Машинангизга қўйдириб берган баллонларим чопқиллашиб юришибдими? Сулув қиздай хилватда сақлагандим, келин қилиб сизга узатдим. Қалин олганим йўқ. Биздан салом денг!

— Одамнинг қитиғи бор жойни биласиз-а? — Қосимжон жилмайди.

— Ғилдираклар яхши, аккумулятор чатоқ. Сигнал ҳам ҳирқи хўроздай.

— Бошимдан қора булут кетсин, ҳаммасини тўғрилайман.

— Қўймадингиз, қўймадингиз-да. — Қосимжоннинг чиройи очилди. — Ноилож виждонга чап берамиз. Сизга қандай касаллик ёпиштирсам экан?

— Обрў-эътиборли, номи ҳам ширали бўлсин.

— Касалликнинг обрўлиси йўқ, бари бир гўр.

— Таниш-билишга топилар. Касал халтангизни яхшироқ қаранг.

Қосимжон бошини қашлаб ўйлаб тургач қичқирди:

— Топдим! Эпилепсия! Номини қаранг, шеърга ўхшаб жаранглайди. Қўшиқ қилиб айтсангиз ҳам бўлаверади. Энг обрўли касаллик шу.

— Дуруст, — Одилжон мамнун жилмайди. — Белгиларини айтиб беринг. Ҳол сўраганлар суриштирса, мулзам бўлиб қолмай.

— Сўраганларга бошим оғрийди, қулоғим шанғиллайди, ўхчийман. Охири оғзимдан оқ кўпик келиб ағанаб тушаман дейсиз.

— Ол-а! Номи жаранглаган билан ўзимизнинг тутқаноқ-ку. Тузукроғи йўқми?

— Бўлмаса ошхонада айниган овқат еб ичбуруғ бўлгансиз. Тез-тез пана жой ахтарасиз. Улгурмасангиз...

— Э, улфатларга аския қилмоқчимисиз? Обрўлисидан топинг.

— Унда одам соғ кўринса ҳам, оғир касал саналадиган тури бор. Бу кўпроқ амалдан айрилган бошлиқларда учрайди. Бу ёқмаса сил, шол, ўлат кабилари бор, танланг.

— Аввалгиси маъқул. Амалдорлар касали бўлса розиман. Белгиларини айтинг.

— Йўқлаб келганларга «Навбат билан кир!» «Гапиришга рухсат!», «Вақт тугади!» деб қичқирасиз. Кўзингизни олайтирасиз, елкангизни учирасиз. Кулиб туриб, йиғлаб юборсангиз янаям ишончли бўлади.

— Қип-қизил довдир бўларканманда, — Одилжон бошини қашлади. Шу пайт эшик очилиб шошилганча ғўлабур одам кирди.

— Хўжайин! Искалатни муҳрлашди. Карим қилич сизни сўраяпти, — деди у ҳовлиқиб.

Одилжон кўзлари бежо чақнаб ингради-ю, ҳушсиз йиқилди. Қосимжон шу заҳоти уни текшириб кўраркан, бошини тебратди.

— Божам мақсадга етди. Эпилепсия!

Нўъмон МЎЙДИНОВ.

ТВ

27 МАЙ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари» (такрор.). 10.30 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кино кўрсатув. 11.30 Спорт кўрсатувлари. 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. Футбол чорраҳаларида. 12.30 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Илёс Маллаев билан учрашув. 13.45 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув. 14.45 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 15.20 Реклама.

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Топишмоқлар куни». Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 19.00 «Кино жавонидан». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 20.20 Катталар учун мультфильм. «Хризантема боғи». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Офарин!» Қувноқ спорт ўйинлари. Уратепа ва Орджоникидзеобод шаҳарларининг ўқувчилари мусобақалашадилар. 11.10 «Шифо». Тележурнал. 12.00 «Бу энди афсона эмас». Бадиий фильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Қимматбаҳо бандероль». Мультфильм. 15.15 Реклама. 15.25 «Қалбларимизни асранг». 15.30 «Азоблар дарёси». Телефильм. 15.50 «Нровинки» киноклуби. 17.10 «Севги изҳори». М. Куренкеев номидаги Қирғизистон Давлат мусиқа билим юрти — 50 ёшда (рус тилида). 18.10 «Долзарб мавзу». Қирғизистон ФА академиги Т. Койчуев интервью-портрети. 19.00 «Жети кун». 19.30 «Акиндин элеси». Шоир А. Осмонов таваллудининг 75 йиллигига. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Инглиз боғидаги канкан». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»). 13.15 «Здоровье». 14.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Учинчи шаҳзода» (ЧСФР). 15.30 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 16.45 «Шолоховга бағишланади». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан кўрсатилади.

Якшанба кинозали

18.30 «Қайтишингни кутамиз. Капитошка». Мультфильм. 18.55 «Ринг». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари. 21.15 «Дўстлик меридианлари». II халқаро фольклор фестивалининг очилиши. Киевдан кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 «Икки ўртоқ хизматда». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 9.20 «Экранда «01» хизмати». Ёнғиндан сақланиш ҳақида фильмлар. 9.50 Халқ оҳанглари. 10.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан ҳужжатли фильм. 11.00 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 12.00 Мамлакат театрлари намойиш этади. А. Дударев. «Оқшом». Я. Колас номидаги белорус академик театрининг фильм-спектакли. Премьера. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). 18.00 Сув полоси. СССР кубоги. Финал. 19.00 СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари намунали-кўргазмали оркестри чалади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фантазия машиналари». 19.45 «Инсоний бурчимизни ўтаб...». К. Иванов (таваллудининг 100 йиллигига). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Киносерпантин».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 04569. Д — 23472.